

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

География фанлари номзоди,
доцент Т.Маллабосвнинг 70 йиллик
юбилейига бағишланади

**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(Наманган, 2010 йил 4-5 июн)

Наманган-2010

кескин қарор қабул қилди. 1927 йилга келиб суғориладиган майдон 1917 йилга нисбатан 75% га ўсди. 1926-1930 йиллари Мирзачўлни барча худудини суғориш режаси тузила бошланди.

1939 йили Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш бўйича давлат қарори қабул қилинди.

Мирзачўлда эски ва янги суғориладиган ерлар мавжуд. Эски суғориладиган ерларда 318 минг га майдон ўзлаштирилган, шундан Ўзбекистонда 171 минг га, Қозоғистонда 147 минг га Янги суғориладиган майдонлар сувни жанубий Мирзачўл каналидан олади. Бу ерда 301 минг га ер суғорилади.

Мирзачўлни ўзлаштирилиши муносабати билан ушбу худудда агроландшафтларнинг қатор турлари шаклланади ва ривожланади.

Мирзачўлда аграландшафтларни қуйидаги турлари шаклланган: суғорма дехқончилик ландшафтли, лалми дехқончилик ландшафтлари, боғдорчилик ландшафтлари, агроселитеб ландшафтлари, агроген ландшафтлар ва х.к.

Мирзачўлда катта майдонни агроландшафтлар ташкил қилади. Агрolandшафтларни асосий қисми суғорма дехқончилик ландшафтларидан иборат. Уларни қуйидаги турларга бўлишимиз

мумкин: 1) тоғ олди делювиал-пролювиал текисликлар ландшафтлари; 2) тоғ олди ясси пролювиал текисликлар агроландшафтлари; 3) тоғ олди ясси пролювиал текисликлар агроландшафтлари бўзланган шўр тупроқларидан иборат; 4) ясси-аллювиал-пролювиал текисликлар агроландшафтлари; 5) берк ботиклар агроландшафтлари; 6) кучсиз қия пролювиал-аллювиал текисликлар агроландшафтлари; 7) аллювиал текисликлар агроландшафтлари.

Гидроген ландшафтлар сунъий қўллар, каналлар ва ташламалардан иборат. Сунъий ёки табиий-антропоген қўлларга Айдарқўл – Тузқон – Арнасой қўллар тизими қиради, сунъий қўлларга Чордара сув омбори, каналларга Шимолий ва Жанубий каналлар ҳамда уларнинг тармоқлари қиради.

Мирзачўлни ўзлаштирилиши жараёнида қатор селитеб ландшафтлар шаклланди ва ривожланди. Уларга шакларлар, туман марказлари ҳамда аҳоли яшайдиган қишлоқлар қиради. (Гулистон, Жиззах, Янгиер, Сирдарё, Бахт, Еттисой, Дўстлик, Пахтақор ва х.к.)

Демак, Мирзачўлни ўзлаштирилишининг барча даврларида агроландшафтларнинг майдони ва турлари ортиб борган.

ДЎСТЛИК ТУМАНИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонов М. Намозов Ф
Жиззах давлат педагогика институти

Мамлакатимиз худуди ўзининг жойлашган географик ўрнига кўра ноёб табиий объектлар, бир-бирни такрорламайдиган ландшафтлар ва ўзига хос иқлим ва табиий шароит хусусиятига эга ўлка ҳисобланади. Бу жойлашув ва омиллар эса мамлакатимиз худудида табиий ресурслар нақадар ранг-баранг ва бетакрор хусусиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Бинобарин ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий жихатдан етуқлиги худуднинг табиий ресурсларга бойлиги ва уларнинг жойлашуви муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам алоҳида

худудларда табиий ресурсларнинг тарқалишини географик жихатдан ўрганиш ва юрт равнақи йўлида уларда оқилона фойдаланиш бугунги кун география фанинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дўстлик тумани Мирзачўл табиий географик районинг марказий қисмида жойлашганлиги сабабли қуруқ иқлим хусусиятини юзага келтиради ва ўртача йиллик ҳарорат 24-28° С ни ташкил этганлиги ва ўртача йиллик ёғин миқдори 200-400мм бўлганлиги сабабли тумандаги мавжуд экин майдонларида суғо-



рилиб дехкончилик қилиш амалга оширилади. Туман майдонининг катталиги жихатидан вилоятда 9-ўринда туришига қарамасдан Жиззах вилояти бўйича энг кўп пахта етиштирадиган туман ҳисобланади. Умумий ер майдони 0.45 минг км кв бўлиб, бугунги кунда 35800 га экин майдонлари вилоятнинг асосий сув узатиш тармоқлари ҳисобланган ЛСВ (Чап тармок канали) ва ЖМК (Жанубий Мирзачўл канали) каналлари орқали 545000 км масофага бетонли ва новли ариқлар ёрдамида мавжуд 11 та СФУ ларда суғорилиб дехкончилик қилинадиган кўриқ ерлардан иборат. Асосан ҳудуд бўйлаб маданийлашган оч тусли бўз тупроқлар тарқалган. Шунга кўра ҳудудда 19000 га пахта, бошоқли экинлардан; ғалла учун 12600 га, маккажўхори дон учун 200 га, сабзавот экинлари учун 280 га, озуқа экинларидан; кўп йиллик беда учун 370 га, маккажўхори озуқа учун 1260 га, кўп йиллик дарахтлар учун 792 га, томорқалар учун 997 га майдон ажратилган. Ҳудуднинг қолган ер фонди туманнинг кичик ҳажмдаги инфраструктурасига яъни, саноат корхоналари, транспорт йўллари, электр узатиш линиялари, сув узатиш тармоқлари ҳамда зовурлар ва аҳоли пунктларининг жойлашуви учун ажратилган.

Ҳозирги кунга келиб тумандаги экин майдонларидан фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосилдорлик 2009-йил кўрсаткичлари бўйича қуйдагича:


Пахта	- 55000 дан зиёд
Бошоқли экинлар	- 67136
Сабзавот экинлари	- 15159
Полиз экинлари	- 16430
Мева	- 1432
Узум	- 509
Картошка	- 1176 тонна ҳосил

олинмоқда ва туман иқсодиётининг

ўсиши билан бирга аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам сезиларли даражада яхшиланганлигини шу ўринда айтиб ўтиш ўринлидир. Лекин масалан энг яна бир муҳим томони борки, унинг ечимини топмоқ ва жиддий таҳлил қилмоқлик биз табиатшуносларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Зеро, ҳозирги кунда Дўстлик тумани асосий экин майдонларининг 420 га яъни 1.2 % и шўрланмаган ва мелiorатив ҳолати талаб даражасидаги экин майдони ҳисобланади. Шу жумлаи умумий шўрланган майдон 35360 га яъни 98.8 % ни кўрсатиб турибди. Шундан 26940 га яъни, 22.4 % и ўртача шўрланган ва 390 га яъни 1.1 % и кучли шўрланган экин майдонларидан иборат. Бу ҳол инсоннинг ҳозирги кундаги хўжалик фаолияти натижасида юзага келган. Бунинг асосий сабаби эса суғориладиган экин майдонларида суғоришнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва сув танқислиги натижасида ташлама, яъни зовур сувларидан суғоришда фойдаланилиши, ер ўз вақтида шудгор қилинмаслиги ва экин экиш учун талаб даражасида эмаслиги, дренаж, зовур тизимининг ишдан чиқиши ва сизот сувларининг кўтарилиши, яна шунга ўхшаш бир қатор сабабларни келтириш мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикаси Ер мониторинги тўғрисидаги Низом” нинг қабул қилиниши ҳам ҳар бир ҳудуднинг хўжалик фаолияти, ер ва сувдан ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг муайян давр оралиғида доимий мониторингини ўтказиб бориш, унинг натижалари асосида хўжалик юришнинг мақбул усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини билдиради.



**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ**